

# Ололмаган ҳаққинг учун умидсизликка тушма!



09:00 / 05.04.2022 5026

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳу билан юриб кетаётган эдилар. Йўлда сузишаётган икки қўчқорни кўриб қолдилар. Шунда Абу Зарр розияллоҳу анҳуга дедилар:

-Эй Абу Зарр! Уларнинг нега сузишаётганини биласанми?

-Йўқ!

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

- Аммо Аллоҳ таоло билади. Қиёмат куни улар орасида ҳукм қилади!

Ҳаёт дегани фақатгина шу дунё эмас. Ололмаган ҳаққинг учун умидсизликка тушма! Бошқалардан зўрлик билан эгаллаб олган нарсангга суюнма! Охирада тана аъзолари гувоҳлик берадиган маҳкама ўрнатилади. Ўзингни бўлмаган нарсани олган қўлинг, ҳалол бўлмаган нарсага қараган кўзларинг, ҳаром еган оғзинг, одамларга азият берган тилинг ўша кунда гувоҳлик беради. Ўзингни гувоҳларинг сенга қарши гувоҳлик беришади. Яхши гувоҳларни танла!

Фақатгина қиз болалиги учун меросдан маҳрум қилинган азиз қизларимиз! Аллоҳга қасамки, қиёмат кунда ҳаққингизни олганингизда, бугунги кунда меросингизни олгандан кўра кўпроқ хурсанд бўласиз!

Беҳудага эридан калтак ейдиган, қўпол сўзлар эшитадиган, унга сабр қилиб «Ҳасбияллоҳу ва неъмал вакил» дейдиган азиз аёлларимиз! Қиёмат кунда эрингиздан ҳаққингизни олганингизда Аллоҳга қасамки, бугун ҳаққингизни олгандан кўра кўпроқ хурсанд бўласиз!

Хўжайини томонидан ёмон сўзлар билан хўрланадиган, беҳурмат қилинадиган, буларга бола-чақаси оч қолмаслиги учун сабр қилиб чидаб юрадиган бечора ишчилар! Аллоҳга қасамки, қиёмат кунда Аллоҳнинг ҳузурида ҳаққингизни албатта оласиз. Ўшанда бу дунёда хўжайинингиз томонидан қилинган ҳурматдан хурсанд бўлганингиздан кўра кўпроқ хурсанд бўласиз!

Дини туфайли айбланган, радикаллик ва қолоқлик ила ҳақоратланган покиза ва тақводор биродарим! Аллоҳга қасамки, Аллоҳнинг ҳузурида ҳаққингизни албатта оласиз. Ўша кунда бу дунёда сизга минбар қуриб берганларидан ҳам кўра кўпроқ хурсанд бўласиз!

Эй обрўси тўкилган, бўҳтонга учраган синглим!

Эй омонати туфайли айбланиб, зулм ила қамоқда сақланаётган биродарим!

Эй ҳижоби учун «ўтириб қолган», «модадан қолган» лақабларини олган синглим!

Эй ноҳақдан ўзи муносиб бўлган мансабдан олиб ташланган биродарим!

Барчангизга хушxabар бўлсин! Икки қўчқор мукаллаф бўлишмасада, улар ўртасида адолат билан ҳукм қиладиган одил Роббимиз сиз ва рақибингиз орасида яқинда адолат билан ҳукм қилади!

Ўша кунда золим бўлиб эмас, мазлум ҳолатда турганлар саодатли бўлишади!

**Абдулқодир Полвонов**